



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 28 » sentabr

№ 542

Toshkent sh.

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларни ташкил этиш ва тугатишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Юртимизда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш механизмларини янада такомиллаштириш, бу соҳада ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини йўлга қўйиш, барча юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни ягона маълумот базасига бирлаштириш орқали статистик маълумотларнинг тизимлаштирилишига эришиш ҳамда тадбиркорлик субъекти бўлмаган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларини, шу жумладан бошқа давлат органлари ҳузурида ташкил этиладиган ташкилотларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар бирлашмаларини, адвокатлик тузилмаларини ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими** орқали амалга оширилади.

2. Қуйидагилар:

Давлат органлари ва муассасаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ;

Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Адлия вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой** муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган юридик шахсларни Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш имкониятини яратсин;

уч ой муддатда давлат рўйхатидан ўтган барча адвокатлик тузилмаларининг давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳужжатларининг рақамлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги ПҚ–263-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб адвокатлик бюросини композит шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш йўлга қўйилсин.

2022 йил 1 ноябрга қадар адвокатлик бюросини адвокатлик фаолиятини бошлашда малака имтиҳонини топшириш ва адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш жараёнида композит шаклда давлат рўйхатидан ўтказишни йўлга қўйиш бўйича ташкилий ҳамда техник тадбирларни амалга оширсин.

4. Давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, шу жумладан бошқа давлат органлари ҳузурида ташкил этиладиган ташкилотлар **икки ой** муддатда мазкур қарорга 1-илова билан белгиланган тартибда Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилиши учун ўзлари ҳақидаги маълумотларнинг (номи, почта манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва таъсис ҳужжатлари) тегишли туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига тақдим этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой** муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “28” сентябр даги 542 -сон
қарорига
1-илова

**Давлат органлари ва муассасаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва
давлат органларини тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва муассасаларини (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш (кейинги ўринларда – давлат рўйхатидан ўтказиш) ҳамда давлат органини юридик шахс сифатида тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади.

3. Давлат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Давлат ташкилотларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш**

4. Давлат ташкилоти вакили (кейинги ўринларда – ариза берувчи) Давлат ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёхуд ваколатли давлат органларининг тегишли ҳужжатида (қарор, буйруқ ва б.) назарда тутилган муддатларда, агар бундай муддат назарда тутилмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этади ва ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Бунда, ариза берувчи Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

5. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

6. Ариза берувчи томонидан сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади:

Давлат ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки ваколатли давлат органларининг тегишли ҳужжати (қарор, буйруқ ва б.);

юқори турувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган Давлат ташкилотининг устави.

Агар давлат ташкилоти тўғрисидаги низом ёки устав норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланиши белгиланган бўлса, низом ёки уставни илова қилиш талаб этилмайди.

7. Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

8. Ариза берувчи мазкур Регламентнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга бевосита тақдим қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатлар тақдим этилган вақтдан бошлаб 2 иш куни давомида олинган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида ёки мазкур Регламентнинг 10-бандида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

9. Агар тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлса, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими куйидагиларни амалга оширади:

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни амалга оширади;

давлат рўйхатидан ўтказилган давлат ташкилотини Тизим орқали автоматик тарзда давлат солиқ хизмати ва статистика органларида давлат ҳисобига кўяди ва бу ҳақида давлат активларини бошқариш органларига хабарнома юборади;

мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани шакллантиради;

Давлат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ҳамда унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини ариза берувчига тақдим қилади.

10. Мазкур Регламентнинг 6-бандига мувофиқ ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги, давлат ташкилотининг устави ёки низоми юқори турувчи орган томонидан тасдиқланмасдан тақдим этилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

11. Давлат рўйхатидан ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда рўйхатдан ўтказувчи орган ходими мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига тақдим қилади.

12. Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда ариза берувчи хабарномада кўрсатилган рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда умумий асосларда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

13. Давлат ташкилотлари қайта ташкил этилганда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш) улар ўн кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи органни бу ҳақида хабардор қилишлари шарт.

Бунда, рўйхатдан ўтказувчи органга фақат ўзгартириш учун асос бўлган ҳужжат тақдим этилиб, янги таҳрирдаги устав ёки низом талаб этилмайди.

14. Рўйхатдан ўтказувчи орган ариза берувчидан хабарнома ва илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг 2 иш куни ичида Давлат ташкилотларининг ягона давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади ҳамда Тизим орқали давлат солиқ, статистика ва давлат активларини бошқариш органларини хабардор қилади.

3-боб. Давлат органларини юридик шахс сифатида тугатиш

15. Давлат органларини юридик шахс сифатида тугатиш бу ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки ваколатли давлат органларининг тегишли ҳужжати (қарор, буйруқ ва б.) асосан амалга оширилади.

16. Давлат органларини юридик шахс сифатида тугатиш унинг вакили рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу регламентнинг 15-бандида назарда тутилган ҳужжат билан мурожаат этади.

17. Рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжат қабул қилинган вақтдан бошлаб 1 иш соати мобайнида Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига давлат органини юридик шахс сифатида тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида ёзув киритади, Тизим орқали давлат солиқ, статистика, давлат активларини бошқариш органларини ва тегишли банкни хабардор қилади ҳамда бир иш куни мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий веб-сайтида ушбу юридик шахс тугатилаётганлиги ҳақида эълон жойлаштиради.

Тугатилаётган давлат органини жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тизим орқали хабардор қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида давлат ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга киришади, унинг муддати ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

Текширишда давлат органининг охириги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (давлат органининг текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) давлат органини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ ушбу давр уч йилдан ошмаслиги зарур.

Текшириш якунига кўра солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Солиқлар ва йиғимлар, молиявий жарималар суммаси, шу жумладан, текширишлар якунлари бўйича ҳисобланган суммалар тўлангандан кейин, давлат солиқ хизмати органи давлат органининг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида хулосани Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган хулосани олгандан сўнг бир иш куни мобайнида давлат органининг вакилига ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат органини тугатилганлиги тўғрисида хабарнома тақдим этади ҳамда Тизим орқали давлат солиқ хизмати, банк ва статистика органларини хабардор қилади.

18. Кредиторлар давлат органининг тугатилиши ҳақида хабар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий веб-сайтидан жойлаштирилган вақтдан бошлаб 2 ой муддатда давлат ташкилотининг муассиси ёки вазифа ва функцияларини қабул қилиб олган бошқа идорага ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

19. Давлат ташкилоти почта манзили ва раҳбари ўзгарган тақдирда бу ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни ўн кундан кечиктирмай ўзининг Тизимдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат ташкилотининг почта манзили ва раҳбари ўзгарганлиги ҳақида хабарнома олган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ва бу тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади.

20. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги, аниқлиги, бузиб кўрсатилганлиги, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган давлат ташкилоти устави ёки низомининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

21. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат органлари ва муассасаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини
тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Давлат органлари ва ташкилотларини
давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Давлат органлари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилади.	10 кун ичида
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлганда Давлат органлари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш. Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига номувофиқ бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ва бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилиш.	2 иш куни мобайнида
3-босқич	Давлат хизматлари маркази	Давлат органлари ва ташкилотлари таъсис ҳужжатларини (низом) QR-код (матрик штрихли код) қўйган ҳолда тасдиқлаш. Давлат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ҳамда унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини ариза берувчига тақдим қилиш.	Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг реал вақт режимида

Давлат органлари ва муассасаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини
тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

**Давлат органлари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.Ш.:	
2. ЖШШИР.:	
3. Ариза берувчининг давлат органлари ва ташкилотларига алоқадорлиги:	
II. Давлат органлари ва ташкилотлари тўғрисида маълумот:	
1. Давлат органлари ва ташкилотларининг номи (тўлиқ ва қисқартирилган (мавжуд бўлса):	
2. Давлат органлари ва ташкилотларининг почта манзили:	
3. Алоқа боғланиш учун телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили, веб-сайти манзили (агар мавжуд бўлса):	
III. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Давлат ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарори;	
2. Юқори турувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган Давлат ташкилотининг низоми;	
3. Ариза берувчининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат.	
Изоҳ:	
1. Агар Давлат ташкилотининг низоми норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланиши лозим бўлса, низомни илова қилиш талаб этилмайди.	
2. Сўровномага тақдим этиладиган ҳужжатлар аслига мувофиқ PDF форматда илова қилинади.	
Сўровнома тўлдириш сабаби:	янги рўйхатдан ўтиш
	қайта рўйхатдан ўтиш

Давлат органлари ва муассасаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини
тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

**Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги
ГУВОҲНОМА**

O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri		
Davlat organlari va tashkilotlarining davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida		
GUVOHNOMA		
Ro'yxatdan o'tkazilgan sana va raqam		
Davlat organlari va tashkilotlarining nomi		
Tashkiliy-huquqiy shakli		
STIR:		
<div style="border: 1px solid black; width: 150px; height: 80px; margin: 0 auto; display: flex; align-items: center; justify-content: center;">QR-kod</div>	<p>Guvohnomani bergan ro'yxatdan o'tkazuvchi organ nomi: _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>	

Давлат органлари ва муассасаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини
тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
4-илова

**Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан)
ўтказишни рад этиш ҳақида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ конунчилик ҳужжатларида

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “__” _____ даги

(йил, кун, ой)

_____ -сон сўровномангизни кўриб чиқиб,

_____ рад этилганлигини маълум қилади.

(давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш)

Рад этиш асослари:


- 1.
- 2.
- 3.

Ахборот тариқасида маълум қилинадики, Давлат органлари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 14-бандига асосан, давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш асослари бартараф этилган тақдирда ариза берувчи Давлат органлари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун 5 иш кун ичида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)

QR-код



Давлат органлари ва муассасаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини
тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
5-илова

Давлат органи тугатилганлиги тўғрисида ХАБАРНОМА

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ томонидан
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “__” _____ даги
(йил, кун, ой)

_____ -сон қарорга асосан,
(тугатишга асос бўлган ҳужжат)

_____ (тугатилаётган юридик шахс номи)

СТИР _____;
тугатилганлиги ҳақидаги ёзув 20__ йил “__” _____ даги _____ -сон билан Тадбиркорлик
субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилганлигини маълум қилади.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)

QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “~~28~~” сентабрдаги 542 -сон қарорига
2-илова

**Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган таркибига икки ва ундан ортиқ тижоратчи юридик шахсларни жамлаган нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларни (кейинги ўринларда – юридик шахслар бирлашмалари) давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади.

Юридик шахслар бирлашмалари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

3. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ушбу Регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш**

4. Юридик шахслар бирлашмалари вакили (кейинги ўринларда – ариза берувчи) юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этади ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Тизимда рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими ариза берувчи номидан, Тизим орқали мурожаат этган тақдирда, эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Бунда, ариза берувчи юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

5. Ариза берувчи сўровномани шакллантиришни исталган босқичда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

6. Ариза берувчи томонидан юридик шахслар бирлашмаларининг номи лотин алифбосида танланади ва унинг бошқа юридик шахсларнинг номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшашлигини текшириш Тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

8. Ариза берувчи томонидан сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади:

давлат тилидаги таъсис шартномаси ва (ёки) устав қабул қилинганлиги тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баёни;

давлат тилидаги белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси ва (ёки) устав;

юридик шахслар бирлашмалари қайта ташкил этилганда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш) – қайта ташкил қилинаётган юридик шахслар бирлашмаларининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.

Бунда таъсис шартномаси ва устав қабул қилинганлиги тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баёни юридик шахслар бирлашмалари аъзолари томонидан Тизимда электрон равишда ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказганлик учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Тизим орқали мурожаат қилинганда давлат божи Давлат хизматлари марказлари орқали тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.

Давлат божи тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

10. Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари маркази орқали бевосита ўзи мурожаат қилганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

0,5 фоизи – тўловларни тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилганлиги учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳуқуқат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади;

б) Тизим орқали мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

11. Ариза берувчи мазкур Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга бевосита тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки Тизим орқали электрон равишда юборади. Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган ҳужжатларни келиб тушган санадан бошлаб 2 иш куни давомида кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ҳақида ёки мазкур Регламентнинг 13-бандида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

12. Агар тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлса рўйхатдан ўтказувчи орган ходими куйидагиларни амалга оширади:

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни амалга оширади;

давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахслар бирлашмаларини Тизим воситасида автоматик тарзда давлат солиқ хизмати ва статистика органларида давлат ҳисобига кўяди;

мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) кўйилган юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани шакллантиради;

юридик шахслар бирлашмалари давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини ариза берувчига тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

13. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат божи тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

мазкур Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

қонунчилик ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги;

юридик шахслар бирлашмалари аъзолари таркибига тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг ёки юридик шахс бўлмаган бошқа субъектлар қабул қилинганлиги;

юридик шахслар бирлашмаларини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддаси талаблари риоя этилмаган бўлса;

юридик шахслар бирлашмаларининг аъзолари сонига қўйилган минимал талабнинг бажарилмаганлиги.

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат этилганда аъзолар сонига қўйилган минимал талаб бузилган тақдирда юридик шахслар бирлашмалари бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этилиши ёки ихтиёрий тугатилиши керак.

Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда рўйхатдан ўтказувчи орган ходими мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

15. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда ариза берувчи бу ҳақида хабарномани олган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда давлат божи тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда, Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддатдан кейин берилган сўровномалар янгидан берилган ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар бирлашмалари қайта ташкил этилган ёки асосий фаолият йўналишларида ўзгаришлар юз берган тақдирда ёхуд таъсис ҳужжатларига бошқача тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек аъзолари таркибида ўзгаришлар юз берганда улар ўттиз кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилишлари шарт.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш таъсис ҳужжатларни янги таҳрирда қабул қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш йўли билан амалга оширилади.

17. Юридик шахслар бирлашмаларини қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларни қайта ташкил этиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ушбу бобда назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Юридик шахслар бирлашмалари ўзининг почта манзили ва раҳбари ўзгарган тақдирда бу ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни ўн кундан кечиктирмай ўзининг Тизимдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахслар бирлашмаларининг почта манзили ва раҳбари ўзгарганлиги ҳақида хабарнома олган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ва бу тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади.

19. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги, аниқлиги, бузиб кўрсатилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

20. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Юридик шахслар бирлашмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат
хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Юридик шахслар бирлашмаларини
давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилади ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Тизимда рўйхатдан ўтади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Ариза берувчи	Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун Қонунда белгиланган миқдорда давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинган вақтда
3-босқич	Давлат хизматлари марказлари	Тақдим қилинган хужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлганда юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни амалга ошириш. Тақдим қилинган хужжатлар мазкур Регламент талабларига номувофиқ бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ва бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилиш.	2 иш куни мобайнида
4-босқич	Ариза берувчи	Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайта мурожаат қилиш	Хабарнома олган вақтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида
5-босқич	Давлат хизматлари марказлари	Юридик шахслар бирлашмалари давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис хужжатларини ариза берувчига тақдим қилиш (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юбориш.	Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг реал вақт режимида

Юридик шахслар бирлашмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

**Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.Ш.:	
2. ЖШШИР:	
3. Ариза берувчининг юридик шахслар бирлашмаларига алоқадорлиги:	
II. Юридик шахслар бирлашмалари тўғрисида маълумот:	
1. Юридик шахслар бирлашмалари номи (тўлиқ ва қисқартирилган (мавжуд бўлса)):	
2. Юридик шахслар бирлашмаларининг почта манзили:	
3. Асосий фаолият тури:	
4. Алоқа боғланиш учун телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили, веб-сайти манзили (агар мавжуд бўлса):	
III. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Давлат тилидаги таъсис шартномаси ва устав қабул қилинганлиги тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баёни;	
2. Давлат тилидаги белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси ва устав;	
3. Юридик шахслар бирлашмалари ажратиб чиқариш ёки қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилинганда – қайта ташкил қилинаётган юридик шахслар бирлашмаларининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.	
4. Ариза берувчининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат.	
Изоҳ: сўровномага тақдим этиладиган ҳужжатлар аслига мувофиқ PDF форматда илова қилинади.	
Сўровнома тўлдириш сабаби:	янги рўйхатдан ўтиш
	қайта рўйхатдан ўтиш

Юридик шахслар бирлашмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

**Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги
ГУВОҲНОМА**

Ўзбекистон Respublikasi Davlat gerbi tasviri			
Yuridik shaxslar birlashmasining davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida			
ГУВОҲНОМА			
Ro'yxatdan o'tkazilgan sana va raqam			
Yuridik shaxslar birlashmasining nomi			
Tashkiliy-huquqiy shakli			
STIR:			
<div style="border: 1px solid black; width: 150px; height: 100px; display: flex; align-items: center; justify-content: center;">QR-kod</div>		Guvohnomani bergan ro'yxatdan o'tkazuvchi organ nomi: _____	

Юридик шахслар бирлашмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат
хизматини кўрсатишнинг маъмурий
регламентига
4-илова

**Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) рад этиш ҳақида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ конунчилик ҳужжатларида

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “___” _____ даги
(йил, кун, ой)

_____ -сон сўровномангизни кўриб чикиб,

_____ рад этилганлигини маълум қилади.

(давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш)

Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.
- 3...

Ахборот тариқасида маълум қилинадикки, Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 14-бандига асосан, ариза берувчи давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш асослари бартараф этган ҳолда 5 иш куни мобайнида давлат божи тўламасдан юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур муддатдан кейин берилган мурожаатлар умумий тартибда берилган ҳисобланади.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)

QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "~~28~~ 28 ~~сентябр~~ даги ~~542~~ 542 -сон қарорига
3-илова

**Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш (кейинги ўринларда – адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади.

3. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) ушбу Регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)**

4. Адвокатлик тузилмаси муассиси ёки унинг вакили (кейинги ўринларда – ариза берувчи) адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Бунда, ариза берувчи адвокатлик тузилмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилади.

5. Ариза берувчи сўровномани шакллантиришни исталган босқичда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

6. Ариза берувчи томонидан адвокатлик тузилмасининг номи лотин алифбосида танланади ва унинг бошқа юридик шахсларнинг номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшашлигини текшириш Тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

8. Ариза берувчи томонидан сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади:

адвокатлик фирмаси ёки адвокатлар ҳайъатини ташкил этиш тўғрисидаги, уларнинг муассислари тўғрисидаги, уларнинг уставларини тасдиқлаш тўғрисидаги, раҳбарлик органларини шакллантириш тўғрисидаги (адвокатлик фирмалари ёки адвокатлар ҳайъатлари учун) маълумотларни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг давлат тилидаги баёни;

юридик маслаҳатхона учун – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарининг юридик маслаҳатхона ташкил этиш тўғрисидаги давлат тилидаги буйруғи;

давлат тилидаги белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси ва устав, адвокатлик бюроси учун фақат устав, юридик маслаҳатхона учун давлат тилидаги низом;

адвокатлик тузилмаси қайта ташкил этилганда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) – қайта ташкил қилинаётган адвокатлик тузилмасининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.

Бунда таъсис шартномаси ва (ёки) устав қабул қилинганлиги тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баёни Адвокатлик тузилмаси муассислари томонидан Тизимда электрон равишда ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Тизим орқали мурожаат қилинганда давлат божи Давлат хизматлари марказлари орқали тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.

Давлат божи тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) рад этилган тақдирда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

10. Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

0,5 фоизи – тўловларни тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилганлиги учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳуқумат ва рақамли

иктисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

б) 11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

11. Ариза берувчи мазкур Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга Тизим орқали электрон равишда юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб:

1 иш куни мобайнида муассисларнинг лицензиялари ва адвокат мақомига эга бўлмаган муассисларнинг малака комиссияларининг адвокатнинг қасамёдини муассислар қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларидан ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали сўраб олади. Бунда, ушбу ташкилотлар маълумотнинг 1 иш куни ичида тақдим этилиши учун масъул бўлади;

4 иш куни давомида ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги жиҳатидан кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) ҳақида ёки мазкур Регламентнинг 13-бандида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

12. Агар тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлса, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими қуйидагиларни амалга оширади:

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)ни амалга оширади;

давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳисобга қўйилган) Адвокатлик тузилмаларини Тизим воситасида автоматик тарзда давлат солиқ хизмати ва статистика органларида давлат ҳисобига қўяди;

мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) ҳақидаги гувоҳномани шакллантиради;

Адвокатлик тузилмалари давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

13. Ариза берувчининг хоҳишига кўра, адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш бўйича малака имтиҳонини топшириш жараёнида адвокатлик бюроси ҳам композит шаклда давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

Бунда, ариза берувчи адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш бўйича малака имтиҳонини топшириш учун тўлдириладиган аризага қўшимча равишда адвокатлик бюросини ташкил этиш ҳақидаги сўровномани мазкур регламентнинг 8-бандида адвокатлик бюроси учун талаб қилинган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ихтиёрий равишда тўлдиради.

Малака имтиҳонини қабул қилувчи Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ариза берувчи томонидан малака имтиҳони муваффақиятли топширилганда лицензия бериш ҳамда адвокатлик бюросини рўйхатдан ўтказишга доир ҳужжатларни адвокатлик фаолиятини лицензияловчи ваколатли адлия органига юборади ҳамда шу вақтнинг ўзида ариза берувчининг телефон рақамига тегишли лицензия ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш учун “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тўловларни амалга ошириш бўйича электрон инвойс юборилади.

Адвокатлик фаолиятини лицензияловчи ваколатли адлия органи сўровномага илова қилинган ҳужжатларни мазкур регламент талаблари асосида кўриб чиқиб, улар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлганда, ариза берувчи томонидан тегишли тўловлар амалга оширилганда, шунингдек лицензия бериш бўйича ижобий қарор қабул қилинганда адвокатлик бюросини ўз ахборот тизимида рўйхатдан ўтказувчи органнинг ахборот тизими орқали давлат рўйхатидан ўтказади.

Адлия органи томонидан лицензия бериш рад этилган тақдирда адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам рад этилади.

Бунда, ариза берувчи лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган ҳолда адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тўлов тўламасдан қайта мурожаат қилиши ёки амалга оширилган тўлов асосида келгусида Давлат хизматлари марказида адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиши мумкин.

Ариза берувчи томонидан лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолларда адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича амалга оширилган тўлов унинг мурожаатига асосан тўлов тақсимланган манбалар ҳисобидан қайтарилади.

14. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)ни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат божи тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

ушбу Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

қонун ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги;

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза муассислар лицензия олган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин топширилса, агар улар адвокат мақомига эга бўлмасалар;

Адвокатлик тузилмаларидаги адвокатлар сони “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган миқдорларга мос келмаслиги;

агар рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида (низомларда) ҳақиқий бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар аниқланган бўлса.

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)га тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда рўйхатдан ўтказувчи орган ходими мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)ни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

16. Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) рад этилган тақдирда ариза берувчи бу ҳақида хабарномани олган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда давлат божи тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда, Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддатдан кейин берилган сўровномалар янгидан берилган ҳисобланади.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган Адвокатлик тузилмалари қайта ташкил этилган ёхуд таъсис ҳужжатларига бошқача тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек адвокатлик фирмаларининг аъзолари таркибида ўзгаришлар юз берганда улар

ўн кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилишлари шарт.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш таъсис ҳужжатларни янги таҳрирда қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

18. Адвокатлик тузилмаларини қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларни қайта ташкил этиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ушбу бобда назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Адвокатлик тузилмалари почта манзили ва раҳбари ўзгарган тақдирда бу ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни ўн кундан кечиктирмай ўзининг Тизимдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган адвокатлик тузилмаларининг почта манзили ва раҳбари ўзгарганлиги ҳақида хабарнома олган вақтдан бошлаб бир иш соати давомида Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ва бу тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади.

20. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги, аниқлиги, бузиб кўрсатилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

21. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

**Адвокатлик тузилмаларини
давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) учун рўйхатдан ўтказувчи органга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш.	Хошишига кўра
2-босқич	Ариза берувчи	Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) учун Қонунда белгиланган миқдорда давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинган вақтда
3-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Муассисларнинг лицензиялари ва адвокат мақомига эга бўлмаган муассисларнинг малака комиссияларининг адвокатнинг қасамёдини муассислар қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларидан ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали сўраб олади. Бунда, ушбу ташкилотлар маълумотнинг 1 иш куни ичида тақдим этилиши учун масъул бўлади.	Сўровнома келиб тушгач 1 иш куни мобайнида
4-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлганда Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)ни амалга ошириш. Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига номувофиқ бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш)ни рад қилиш ва бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилиш.	Сўровнома келиб тушгач 4 иш куни мобайнида
5-босқич	Ариза берувчи	Адвокатлик тузилмасини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш (ҳисобга олиш) рад этилган тақдирда тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайта мурожаат қилиш.	Хабарнома олган вақтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида
6-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Адвокатлик тузилмалари давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юбориш.	Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг реал вақт режимида

Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат
хизматини кўрсатишнинг маъмурий
регламентига
2-илова

**Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан)
ўтказиш (ҳисобга олиш) бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.Ш.:	
2. ЖШШИР.:	
3. Ариза берувчининг Адвокатлик тузилмаларига алоқадорлиги:	
II. Адвокатлик тузилмалари тўғрисида маълумот:	
1. Адвокатлик тузилмасининг номи (тўлиқ ва қисқартирилган (мавжуд бўлса)):	
2. Муассислар лицензияларининг реквизитлари (рақами ва санаси), адвокатлик бюроси композит шаклда рўйхатдан ўтказилган ҳолатлар бундан мустасно:	
3. Малака комиссияларининг адвокатнинг қасамёдини муассислар қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори реквизитлари (рақами ва санаси), адвокатлик бюроси композит шаклда рўйхатдан ўтказилган ҳолатлар бундан мустасно:	
4. Адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакли:	Адвокатлик бюроси Адвокатлик фирмаси Адвокатлик ҳайъати Юридик маслаҳатхона
5. Адвокатлик тузилмаларининг почта манзили:	
6. Алоқа боғланиш учун телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили, веб-сайти манзили (агар мавжуд бўлса):	
III. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Давлат тилидаги таъсис йиғилишининг баёни, юридик маслаҳатхона учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарининг юридик маслаҳатхона ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи.	
2. Давлат тилидаги таъсис шартномаси ва устав, адвокатлик бюроси учун фақат устав, юридик маслаҳатхона учун низом.	
3. Адвокатлик тузилмасини ажратиш чикариш ёки қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилинганда – қайта ташкил қилинаётган адвокатлик тузилмасининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидagi барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.	
4. Ариза берувчининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат.	
Изоҳ: сўровномага тақдим этиладиган ҳужжатлар аслига мувофиқ PDF форматда илова қилинади.	

Сўровнома тўлдириш сабаби:	янги рўйхатдан ўтиш (ҳисобга олиш)
	қайта рўйхатдан ўтиш (ҳисобга олиш)

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан
ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) ҳақида
ГУВОҲНОМА

О‘zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri			
Advokatlik tuzilmalarining davlat ro‘yxatidan (hisobga qo‘yilganligi) o‘tkazilganligi to‘g‘risida			
GUVOHNOMA			
Ro‘yxatdan o‘tkazilgan sana va raqam			
Advokatlik tuzilmasining nomi:			
Tashkiliy shakli:			
STIR:			
<div style="border: 1px solid black; width: 150px; height: 80px; margin: 0 auto; display: flex; align-items: center; justify-content: center;">QR-kod</div>		Guvohnomani bergan ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organ nomi: _____	

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан
ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
4-илова

**Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш
(ҳисобга олиш)ни рад этиш ҳақида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ конунчилик ҳужжатларида

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “__” _____ даги
(йил, кун, ой)

_____ -сон сўровномангизни кўриб чиқиб,

_____ рад этилганлигини маълум қилади.

(давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш)

Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.
- 3.

Ахборот тариқасида маълум қилинадикки, Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 14-бандига асосан, ариза берувчи давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш асослари бартараф этган ҳолда 5 иш куни мобайнида давлат божи тўламасдан Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур муддатдан кейин берилган мурожаатлар умумий тартибда берилган ҳисобланади.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)

QR-код

**Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш тартибини белгилайди.

Уй-жой мулкдорлари ширкати (кейинги ўринларда – ширкат) ширкатдаги уй-жойлар мулкдорларининг ташаббусига кўра ташкил этилади ва ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор ҳар бир кўп квартирали уйдаги барча жойлар мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпи ҳозир бўлган жойлар мулкдорларининг таъсис йиғилишида қабул қилинади.

Ширкатнинг аъзолари кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслардан иборатдир.

2. Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади.

Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган Ширкатларнинг фаолияти ноқонуний ҳисобланади.

3. Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ушбу Регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Ширкатни давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш**

4. Ширкат вакили (кейинги ўринларда – ариза берувчи) Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этади ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Тизимда рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими ариза берувчи номидан, Тизим орқали мурожаат этган тақдирда, эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Бунда, ариза берувчи ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

5. Ариза берувчи сўровномани шакллантиришни исталган босқичда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

6. Ариза берувчи томонидан ширкатнинг номи лотин алифбосида танланади ва унинг бошқа юридик шахсларнинг номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшашлигини текшириш Тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

8. Ариза берувчи томонидан сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади:

ширкат ташкил этиш (ҳар бир уй учун овоз бериш натижалари билан), уставни тасдиқлаш ва бошқарув органларини танлаш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланган уй (уйлар)даги хонадонлар мулкдорлари умумий йиғилиши баёнидан кўчирма;

ширкат устави;

уйдаги хонадонларнинг (ҳар бир уй учун) ширкат ташкил этилиши учун ижобий овоз берган мулкдорларининг паспорт маълумотлари, манзиллари, хонадонга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларининг номи ва реквизитлари ҳамда уларнинг имзолари кўрсатилган ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ рўйхати;

уйларнинг хонадонлар ва нотурар жойлар сони кўрсатилган манзилли рўйхати;

ширкат қайта ташкил этилганда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) – қайта ташкил қилинаётган ширкатнинг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.

9. Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

10. Ариза берувчи мазкур Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга бевосита тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки Тизим орқали электрон равишда юборади. Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган ҳужжатларни келиб тушган санадан бошлаб 2 иш куни давомида кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш ҳақида ёки мазкур Регламентнинг 12-бандида белгиланган ҳолатлар мавжуд

бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

11. Агар тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлса, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими қуйидагиларни амалга оширади:

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни амалга оширади;

давлат рўйхатидан ўтказилган Ширкатни Тизим воситасида автоматик тарзда давлат солиқ хизмати ва статистика органларида давлат ҳисобига кўяди;

мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани шакллантиради;

Ширкат давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставини ариза берувчига тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

12. Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги;

агар рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқий бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар аниқланган бўлса.

Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда рўйхатдан ўтказувчи орган ходими мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига тақдим қилади ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

14. Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда ариза берувчи бу ҳақида хабарномани олган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда фақат

камчиликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда, ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатдан кейин берилган сўровномалар янгидан берилган ҳисобланади.

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган ширкатлар қайта ташкил этилган ёки таъсис ҳужжатига бошқача тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда улар ўтгиз кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилишлари шарт.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш таъсис ҳужжатларни янги таҳрирда қабул қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш йўли билан амалга оширилади.

16. Ширкатни қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уни қайта ташкил этиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ушбу бобда назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Ширкатлар почта манзили ва раҳбари ўзгарган тақдирда бу ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни ўн кундан кечиктирмай ўзининг Тизимдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган Ширкатнинг почта манзили ва раҳбари ўзгарганлиги ҳақида хабарнома олган вақтдан бошлаб бир иш соати давомида Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ва бу тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади.

18. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги, аниқлиги, бузиб кўрсатилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

19. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Уй-жой мулкдорлари ширкатини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

**Уй-жой мулкдорлари ширкатларини
давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Уй-жой мулкдорлари ширкатини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Тизимда рўйхатдан ўтиш.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлганда уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни амалга ошириш. Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига номувофиқ бўлганда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад қилиш ва бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилиш.	2 иш куни мобайнида
3-босқич	Ариза берувчи	Уй-жой мулкдорлари ширкатини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш рад этилган тақдирда тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайта мурожаат қилиш	Хабарнома олган вақтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	Уй-жой мулкдорлари ширкат давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставини ариза берувчига тақдим қилади (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчининг Тизимдаги шахсий кабинетига юборади.	Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг реал вақт режимида

Уй-жой мулкдорлари ширкатини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан
(қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.Ш.:	
2. ЖШШИР.:	
3. Ариза берувчининг уй-жой мулкдорлари ширкатига алоқадорлиги:	
II. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида маълумот:	
1. Уй-жой мулкдорлари ширкати номи (тўлиқ ва қисқартирилган (мавжуд бўлса)):	
2. Уй-жой мулкдорлари ширкатининг почта манзили:	
4. Алоқа боғланиш учун телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили, веб-сайти манзили (агар мавжуд бўлса):	
III. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Давлат тилидаги уй (уйлар)даги хонадонлар мулкдорлари умумий йиғилиши баёнидан кўчирма.	
2. Давлат тилидаги устав.	
3. Уйдаги хонадонларнинг (ҳар бир уй учун) ширкат ташкил этилиши учун ижобий овоз берган мулкдорларининг рўйхати.	
4. Уйларнинг хонадонлар ва нотурар жойлар сони кўрсатилган манзилли рўйхати.	
5. Ширкат ажратиб чиқариш ёки қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилинганда – қайта ташкил қилинаётган ширкатнинг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворисликни ўз ичига олган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси.	
6. Ариза берувчининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат.	
Изоҳ: сўровномага тақдим этиладиган ҳужжатлар аслига мувофиқ PDF форматда илова қилинади.	
Сўровнома тўлдириш сабаби:	янги рўйхатдан ўтиш
	қайта рўйхатдан ўтиш

Уй-жой мулкдорлари ширкатида давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

_____ манзилда жойлашган уйдаги хонадонларнинг
“_____” уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилиши учун
“ижобий” овоз берган мулкдорларнинг рўйхати
Уйдаги хонадонларнинг умумий сони – _____, нотурар жойлар сони – _____

Т/р	Хонадон мулкдорининг Ф.И.О. (ёки юридик шахснинг номи)	Паспорт маълумотлари (юридик шахснинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар)	Хонадон манзили	Хонадонга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари	Имзо	Сана	Хонадон мулкдорининг ишончномаси тўғрисида маълумот
1.							
2.							
3.							

Уй-жой мулкдорлари ширкати давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

**Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги
ГУВОҲНОМА**

О'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri			
Uy-joy mulkdorlari shirkatining davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida			
GUVOHNOMA			
Ro'yxatdan o'tkazilgan sana va raqam			
Uy-joy mulkdorlari shirkatining nomi:			
Tashkiliy-huquqiy shakli:			
STIR:			
<div style="border: 1px solid black; width: 150px; height: 80px; margin: 0 auto; display: flex; align-items: center; justify-content: center;">QR-kod</div>		Guvohnomani bergan ro'yxatdan o'tkazuvchi organ nomi: _____ _____ _____	

Уй-жой мулкдорлари ширкатини давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илова

**Ширкатни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш ҳақида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ конунчилик ҳужжатларида
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)
белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “__” _____ даги
(йил, кун, ой)
_____ -сон сўровномангизни кўриб чиқиб,

_____ рад этилганлигини маълум қилади.
(давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш)


Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.
- 3.

Ахборот тарикасида маълум қилинадиги, Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 14-бандига асосан, ариза берувчи давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни рад этиш асослари бартараф этган ҳолда 5 иш куни мобайнида фақат камчиликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур муддатдан кейин берилган мурожаатлар умумий тартибда берилган ҳисобланади.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)



Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “28” сентабрдаги 542-сон
қарорига
5-илова

**Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг
давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи орган) томонидан давлат органлари ва муассасалари, таркибига тижоратчи юридик шахсларни жамлаган бирлашмалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда адвокатлик тузилмаларинининг (кейинги ўринларда – юридик шахслар) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестрини (кейинги ўринларда – Реестр) юритиш ҳамда ундаги мавжуд маълумотларни жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш тартибини белгилайди.

Реестр қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

давлат органлари ва муассасалари;

таркибига тижоратчи юридик шахсларни жамлаган бирлашмалар;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари;

адвокатлик тузилмалари.

2. Реестр юридик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш тўғрисидаги асосий маълумотларни ҳамда бошқа маълумотларни ўз ичига олган, барча танишиб чиқиши учун очик бўлган давлат электрон ахборот ресурсидир.

3. Реестр рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан шакллантирилади ва юритилади.

4. Реестрдаги маълумотлар ушбу Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда – ЯИДХП) жойлаштирилади.

**2-боб. Реестрни юритиш ва унинг мазмунига
қўйиладиган талаблар**

5. Реестрда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, ой, йил;

юримдик шахсларнинг давлат тилидаги тўлик, қисқартирилган (мавжуд бўлганда) номи;

ташкилий-хукуқий шакли;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

фаолият муддати (юримдик шахс белгиланган муддатга тузилганда);

юримдик шахсларнинг қайта ташкил этиш жараёни тўғрисидаги маълумотлар (у амалга оширилганда);

тугатиш жараёни тўғрисидаги маълумотлар (у амалга оширилганда);

уни амалга ошириш усули кўрсатилган ҳолда фаолият тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

таъсис ҳужжатлари;

таъсис ҳужжатлари тасдиқланган (тузилган) сана;

таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Реестрда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар бўлиши мумкин.

6. Реестр Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) воситасида электрон кўринишда, марказлаштирилган тартибда юритилади.

3-боб. Реестрга ёзувлар киритиш

7. Реестрга ёзувлар давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишда тақдим этиладиган ҳужжатлар асосида, шунингдек давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Реестрда назарда тутилган маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлар тақдим этилганда киритилади.

8. Қуйидаги ҳолатларда маълумотлар бир-биридан фарқ қилган тақдирда:

Реестр маълумотлар базасида электрон файл кўринишида мавжуд бўлган таъсис ҳужжатларидаги маълумотлар юримдик шахсларда мавжуд бўлган таъсис ҳужжатлари билан фарқ қилса, Реестр маълумотлар базасида электрон файл кўринишида мавжуд бўлган таъсис ҳужжатлари нисбатан юқори кучга эга бўлади (бундан давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-хукуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган низомлари мустасно);

Реестр маълумотлар базасидаги тегишли рўйхатдан ўтказиш ёзувлари кўринишидаги маълумотлар Реестр маълумотлар базасида электрон файл кўринишида мавжуд бўлган таъсис ҳужжатларидаги маълумотлар билан фарқ қилса тегишли рўйхатдан ўтказиш ёзувлари кўринишидаги маълумотлар нисбатан юқори кучга эга бўлади.

Реестринг, 2022 йил 1 июлга қадар юритилиши амалга оширилган, тегишли давлат реестрларидаги юридик шахсларга нисбатан маълумотлар билан фарқ қилса, Реестрдаги ёзувлар нисбатан юқори кучга эга бўлади.

Кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг нисбатан юқори кучи юридик шахсларни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш тартибида номуаносиблик бартараф этилгунга қадар сақланиб қолади.

9. Қуйидагилар Реестрга ёзув киритиш учун асос бўлади:

белгиланган тартибда давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш, юридик шахсларни Реестрдан чиқариш;

давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишни ёки тугатишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарори мавжудлиги;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатлар.

10. Ушбу Низом 9-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ёзув киритилиши учун асослар юзага келганда Рўйхатдан ўтказувчи орган икки иш куни мобайнида Реестрга тегишли ёзув киритади.

4-боб. Реестрдан ахборот тақдим этиш

11. Реестрда мавжуд бўлган ахборот ва ҳужжатлар очиқ бўлиб, исталган манфаатдор шахс учун эркин фойдаланиш имкони мавжуд, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чеклаб қўйилган маълумотлар бундан мустасно.

12. Реестрда мавжуд бўлган ахборот ва ҳужжатлардан эркин фойдаланиш имконияти тегишли ахборотни ЯИДХПга жойлаштириб бориш йўли билан, шунингдек сўралаётган ҳужжат кўчирмасини, сўралаётган ҳужжат мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ва (ёки) Реестрдаги ҳужжатни бериш йўли билан, бунда Реестрга киритиб борилаётган тегишли маълумот ва ҳужжатлар киритилиши биланоқ ҳар кун янгилаб бориш йўли билан амалга оширилади.

13. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимидан мустақил равишда олади.

14. Жисмоний шахслар, давлат ёки хўжалик бошқарув органлари, давлат муассасалари ва ташкилотлари ёхуд бошқа ташкилотларнинг (ушбу Низомнинг 13-бандида келтирилган давлат органлари ва ташкилотларидан ташқари) ёзма сўровномаси бўйича Реестрдан ушбу Низомга иловага мувофиқ электрон шакл бўйича аниқ юридик шахслар тўғрисидаги ахборот кўчирмалар кўринишида сўралган ҳужжат, юридик шахсларнинг рўйхати ёки сўралаётган ахборот

ва (ёхуд) ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома (QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

Маълумотнома давлат ёки хўжалик бошқарув органлари, давлат муассасалари ва ташкилотларига бепул, жисмоний шахслар ва бошқа ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдоридаги йиғим эвазига берилади.

Йиғимлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тегишли сўровнома олинган пайтдан бошлаб бир иш куни муддатда тақдим этилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

16. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим
юрidik шахсларнинг давлат реестрини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юрidik шахсларнинг
давлат реестридан юрidik шахслар тўғрисида
КЎЧИРМА

20__ йил “__” _____

_____ -сон

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юрidik шахсларнинг давлат реестридан кўчирмани берган
рўйхатдан ўтказувчи орган номи:

1.	Юрidik шахслар тўлиқ номи	
2.	Юрidik шахслар қисқартирилган номи	
3.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
4.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
5.	Аъзолар сони*:	
7.	Жойлашган жойи (почта манзили)	
8.	Таъсис этилган сана (йил, ой, сана)	
9.	Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юрidik шахсларнинг давлат реестрига ёзув киритилган сана ва рақами	
10.	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг идентификация рақами	
11.	Асосий фаолият тури:	
12.	Юрidik шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган рўйхатдан ўтказувчи орган номи	
13.	Юқори турувчи ташкилот номи (давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари учун, агар уларнинг юқори турувчи ташкилоти мавжуд бўлганда)	
14.	Ҳуқуқий вориси тўғрисидаги маълумотлар	
15.	Юрidik шахсларнинг мақоми (фаолият юритаётган, тугатиш жараёнида, тугатилган)	
16.	Фаолият муддати (агар юрidik шахслар аниқ вақтга ташкил этилган бўлса)	
17.	Боғланиш маълумотлари (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт -- мавжуд бўлганда)	
18.	_____ (кўчирмани берган масъул шахснинг лавозими)	_____ (фамилияси, инициаллари)
19.	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; display: inline-block;">QR-код</div>	

Изоҳ. * Давлат органлари ва ташкилотлари, адвокатлик бюролари ва юрidik маслаҳатхоналардан ташқари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “28” сентабр даги 542 -сон қарорига
6-илова

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларни тугатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат муассасалари, таркибига тижоратчи юридик шахсларни жамлаган бирлашмалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда адвокатлик тузилмаларини (кейинги ўринларда – юридик шахслар) ихтиёрий тугатиш тартибини белгилайди.

Юридик маслаҳатхоналар фаолиятини тўхтатиш уларни ташкил этган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларининг қарорини рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказувчи орган ходими Реестрга уларнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақида ёзув киритиши орқали соддалаштирилган тартибда амалга оширилади.

Адвокатлик бюросининг раҳбари бўлган адвокатнинг лицензияси “Адвокатура тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилганда адвокатлик бюросини тугатиш суд томонидан амалга оширилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рўйхатдан ўтказувчи орган – Давлат хизматлари маркази;

тугатиш – рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таркибига тижоратчи юридик шахсларни жамлаган бирлашмалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда адвокатлик тузилмаларинининг ягона давлат реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) юридик шахсларни тугатиш тўғрисидаги ёзувларни қайд этиш;

тугатувчи – юридик шахслар аъзо(лари) ёки у(лар) томонидан тайинланган шахс(лар) (тугатиш комиссияси).

3. Юридик шахсларни тугатиш бўйича давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – Бюро) ҳамда тижорат банклари билан ўзаро маълумот алмашилиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) воситасида амалга оширилади.

2-боб. Юридик шахсларни тугатиш

4. Юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган юқори органи томонидан қабул қилинади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатилаётган юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар (тўлик ва қисқартирилган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили);

тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон почта манзили);

юридик шахсни тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

6. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб юридик шахслар ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

Тугатувчи тайинлангандан сўнг юридик шахслар бошқарув органлари томонидан икки кун муддатда унга юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар, юридик шахсларнинг муҳри, штамплари (агар мавжуд бўлса) ва бошқа мол-мулки топширилади.

7. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг бир иш кунидан кечикмай қуйидагиларни амалга оширади:

а) рўйхатдан ўтказувчи органга – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига (кейинги ўринларда – асосий ҳисобварағи) хизмат кўрсатувчи **банкка** – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

в) юридик шахсларнинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақларига, жамғарма депозит ҳисобварақларига ва муддатли депозит ҳисобварақларига (агар мавжуд бўлса) хизмат кўрсатувчи **банкларга** – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) юридик шахсларнинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисобварақлари (агар мавжуд бўлса) очилган **банкларга** – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган банкда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

Бунда, тугатувчи рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ходими ариза берувчи номидан,

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда–ЯИДХП) орқали мурожаат этган тақдирда, эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Сўровномага юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси илова қилинади.

8. Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш тўғрисида қарор тушгандан сўнг бир иш куни ичида қуйидагиларни амалга оширади:

а) юридик шахс ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритади ҳамда бу тўғрисида Тизим орқали қуйидаги ваколатли органларни хабардор қилади:

юридик шахслар рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати, статистика ва давлат активларини бошқариш органларини;

Бюронинг тегишли туман (шаҳар) бўлимини;

б) Тизимга юридик шахслар тугатилаётганлиги тўғрисида барча учун эркин фойдаланиш имкони бўлган эълонни жойлаштиради.

Эълонда кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги мурожаатларни қабул қилиш муддати кўрсатилади, ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

9. Юридик шахсларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб юридик шахсларнинг фаолияти, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатиб қўйилади.

10. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

а) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахслар ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чоратадбирларини кўради;

б) юридик шахсларнинг активлари ва мажбуриятларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказади, шу жумладан юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузади;

в) йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган даврда юридик шахслар томонидан тўланадиган барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

г) агар юридик шахснинг текин фойдаланишида давлат мулки бўлган мол-мулклари мавжуд бўлган тақдирда, ушбу мол-мулкларни икки ҳафта муддат ичида топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Давлат активларини бошқариш агентлигига топширади;

д) юридик шахсларнинг дебиторлик қарзларини олиш, шунингдек, тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) кредиторларни аниқлаш ва юридик шахсларнинг тугатилиши тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради.

11. Бюронинг туман (шаҳар) бўлими рўйхатдан ўтказувчи органнинг хабарномасини олган санадан бошлаб ўн кундан кечиктирмай иш юритишда ижро ҳужжати мавжудлигини белгиланган тартибда аниқлайди, унда тугатилаётган юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этади. Тегишли ижро ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда, давлат ижрочиси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро ишини тугаллайди ва белгиланган тартибда тугатишни амалга ошириш учун ижро ҳужжатини тугатувчига юборади.

12. Юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи органнинг хабарномаси олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида юридик шахслар фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

13. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач тугатувчи томонидан кредиторларга қуйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

биринчи навбатда – фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун тижорат ташкилоти тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

иккинчи навбатда – Давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар;

учинчи навбатда – бошқа кредиторларнинг талаблари.

14. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи томонидан юридик шахслар мол-мулкининг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилади ва мазкур мол-мулкни очик савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомаласи чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига ёки бошқача буюм эгаси ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш қиймати бўйича, мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилиши керак.

15. Кредиторлар талабларини қондириш аъзолар ёки бошқа шахслар томонидан тугатилаётган юридик шахсларнинг банкдаги ҳисобварақларига йўналтирилаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

16. Кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин юридик шахсларнинг мол-мулки ортиб қолган ҳолларда, тугатувчи томонидан улар юридик шахсларни тугатиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган усулларда ва йўналишларда, шунингдек юридик шахслар устав мақсадларида фойдаланилади.

17. Тугатувчи:

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан, шунингдек юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари амалда ижро этилгандан;

солиқлар ва йиғимлар, молиявий санкциялар суммаси, шу жумладан текширишлар яқунлари бўйича тўлангандан;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжатларининг иш юритувида мавжудлиги юзасидан Бюрога сўров юборади.

18. Давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида хулосани тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Бюро юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати унинг иш юритувида мавжуд бўлмаган тақдирда, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга уч иш куни мобайнида хабарнома юбориши шарт.

19. Давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этилган юридик шахсларнинг солиқлар ва йиғимлардан қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида Бюронинг хабарномаси олингандан кейин тугатувчи юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағи очилган банкка уни ёпиш тўғрисида мурожаат қилади. Банк бир иш куни мобайнида юридик шахсларга тегишли бўлган ҳисобварақни ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

20. Тугатувчи асосий ҳисобварағи ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида давлат архивига юридик шахсларнинг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини топширади.

21. Тугатувчи юридик шахсларни Реестрдан чиқариш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келган ҳолда ёки ЯИДХП орқали қуйидагиларни тақдим этади:

юридик шахсларнинг барча ҳисобварақлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномалари;

юримдик шахслар хужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Агар юримдик шахсларнинг юримдик шахсларнинг мухр ва штамплари мавжуд бўлганда тугатувчи уларни рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келган ҳолда тақдим этади.

22. Рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган барча хужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 18 – 19-бандлари ижроси таъминланганлигини Тизим орқали текширади ҳамда Реестрга юримдик шахслар тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади ҳамда юримдик шахсларнинг вакилига ушбу регламентга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича юримдик шахслар тугатилганлиги тўғрисида хабарномани тақдим этади ёки унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.

Низомнинг 18 – 19-бандларида назарда тутилган маълумотлар Тизимда мавжуд бўлмаса ёки 21-банддаги хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган Реестрга ёзувлар киритишни рад этади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилади. Реестрга ёзув киритиш рад этилган тақдирда, тугатувчига айнаи бир вақтда олинган барча хужжатлар, мухр ва штамплар қайтарилади.

23. Рўйхатдан ўтказувчи орган Реестрга юримдик шахслар тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин уч иш куни ичида:

юримдик шахслар тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини Тизим орқали хабардор қилади;

тугатилган юримдик шахсларнинг мухр ва штампларини белгиланган тартибда йўқ қилиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг юримдик шахслар жойлашган жойдаги филиалини юримдик шахслар тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

24. Юримдик шахсни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

Кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ушбу Регламентнинг 21-бандида кўрсатилган хужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тўлиқ тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатади. Рўйхатдан ўтказувчи орган бир иш куни мобайнида давлат солиқ хизмати ва статистика органларига ихтиёрий тугатиш тўхтатилганлиги тўғрисида Тизим орқали хабар беради ҳамда ёпилган банк ҳисобварақлари қайта тикланади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Юридик шахсларнинг тугатилганлиги ҳақида Реестрга ёзув киритилишидан олдин ихтиёрий тугатишнинг бошқа ҳар қандай босқичида юридик шахсларнинг ваколатли органи томонидан фаолиятни тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

26. Юридик шахсларнинг тугатилганлиги суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

27. Юридик шахслар аъзолари, тугатувчи ўзлари тайёрлаган, рўйхатдан ўтказувчи органга ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан, ўзларига юкланган вазифаларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида кредиторларга, аъзоларга ёки учинчи шахсларга етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим
юридик шахсларни тугатиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим
юридик шахсларни тугатиш
Схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Юридик шахслар бошқарув органлари	Тугатувчи тайинлангандан сўнг юридик шахслар бошқарув органлари томонидан унга юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, юридик шахсларнинг муҳри, штамплари (агар мавжуд бўлса) ва бошқа мол-мулкни топшириш.	2 (икки) кун муддатда
2-босқич	Тугатувчи	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор нусхасини Рўйхатдан ўтказувчи органга ва юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилиш.	1 (бир) иш куни ичида
3-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Тугатиш тўғрисида қарор тақдим қилингандан сўнг юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш ва бу тўғрисида тегишли идораларни Тизим орқали хабардор қилиш ҳамда ўзининг расмий сайтига юридик шахслар тугатилаётганлиги тўғрисида барча учун эркин фойдаланиш имкони бўлган эълон жойлаштириш.	1 (бир) иш куни ичида
4-босқич	Мажбурий ижро бюроси	Рўйхатдан ўтказган органнинг хабарномасини олгандан бошлаб иш юритишда ижро ҳужжатини давлат ижрочиси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро ишини тугаллаш ва белгиланган тартибда тугатишни ижро этиш учун ижро ҳужжатини тугатувчига юбориш.	10 (ўн) кунлик муддатда
-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	1. Юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи органнинг хабарномаси олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида юридик шахслар фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак. 2. Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин юридик шахсларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида хулосани тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш.	1. 3 иш кунида, 30 календарь кундан кўп бўлмаган 2. 1 (бир) иш куни ичида

6-босқич	Мажбурий ижро бюроси	Юридик шахслар қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати унинг иш юритувида мавжуд бўлмаган тақдирда, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга хабарнома юбориш.	3 (уч) иш куни ичида
7-босқич	Тугатувчи ва банк	Давлат солиқ хизмати органи ва Мажбурий ижро бюросининг хабарномаси олингандан кейин тугатувчи юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағи очилган банкка уни ёпиш тўғрисида мурожаат қилиш ва юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома олиш.	1 (бир) иш куни ичида
8-босқич	Тугатувчи	Юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағи ёпилгандан сўнг давлат архивига юридик шахсларнинг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини топшириш.	3 (уч) иш куни ичида
9-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	1. Барча ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда давлат реестрига юридик шахслар тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритиш. 2. Қарор қабул қилинган кундан кейин уни тугатувчига бериш ёки унга почта орқали жўнатиш. Давлат реестрига киритиш рад этилган тақдирда, тугатувчига айна бир вақтда олинган барча ҳужжатлар, муҳр ва штамплар (агар мавжуд бўлса) қайтариш.	1. 2 (икки) иш куни ичида; 2. 1 (бир) иш куни ичида
10-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Давлат реестрига юридик шахслар тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин давлат солиқ хизмати ва статистика органларини Тизим орқали хабардор қилиш.	3 (уч) иш куни ичида

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган
айрим юридик шахсларни тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган
айрим юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Тугатувчи (вакил) жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар:	
1. Ф.И.Ш.:	
2. ЖШШПР.:	
3. Телефон рақами.:	
4. электрон почтаси (мавжуд бўлса).:	
II. Тугатилаётган юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар:	
1. Юридик шахснинг номи (тўлиқ ва қисқартирилган (мавжуд бўлса)).:	
2. Юридик шахснинг СТИРи.:	
3. Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор реквизитлари (рақами, санаси).:	
4. Тугатилаётган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли.:	тижоратчи юридик шахслар бирлашмалари
	уй-жой мулкдорлари ширкатлари
	адвокатлик тузилмалари:
	адвокатлик бюроси
	адвокатлик фирмаси
	адвокатлик ҳайъати
	юридик маслаҳатхона
III. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси;	
2. ариза берувчининг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат.	
Изоҳ: сўровномага тақдим этиладиган ҳужжатлар аслига мувофиқ PDF форматда илова қилинади.	

Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган
айрим юридик шахсларни тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Юридик шахслар тугатилганлиги тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ томонидан
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил “__” _____ даги
(йил, кун, ой)


_____ -сон қарорга асосан,
(тугатишга асос бўлган ҳужжат)

_____ (тугатилаётган юридик шахс номи)

СТИР _____;
тугатилганлиги ҳақидаги ёзув 20__ йил “__” _____ даги _____ -сон билан Тадбиркорлик
субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилганлигини маълум қилади.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)





Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “28” сентябрдаги 542 -сон қарорига
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2001 йил 27 июндаги 276-сон қарорига илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон қарори)” 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)” 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–446-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни)” 2018 йил 19 январдаги 34-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 6-банди.